

Рамазон ойида атиргуллар шахри гуллади



12:18 / 21.04.2021 2181

Анъанага кўра, Тоиф шахрида кўп асрлар давомида атиргуллар етиштирилиб келинмоқда. Бу йил гуллар айнан Рамазон ойида очилди. Тоиф гулларида Замзам суви билан аралаштирилган эфир мойи Каъбани ювиш учун зарур ҳисобланади.

Тоифда 800 га яқин гул хўжаликлари мавжуд бўлиб, ушбу ҳудудни кўпинча атиргуллар шахри деб аташади. Бу ерда ҳар йили 300 миллионга яқин гуллар очилади.

Бен Салманнинг фермаси ишчилари атиргул буталарини парваришлаб, ҳар куни ўн минглаб куртакларни йиғиб олишади. Улардан атиргул суви ва мойи, шунингдек, косметика ва ошпазлик саноати учун қимматли бўлган ингредиентлар тайёрланади.

Баъзи ишчилар далада гул теришса, бошқалари ички хоналарда саватга солиб тортишади. Сўнгра гуллар қайнатилади ва филтирдан ўтказилади.

«Атиргул суюқлиги деярли буғланиб кетгунча баланд оловда қайнатамиз, бу ҳолат 30-35 дақиқа давом этади», дейди Бен Салманнинг ферма эгаси Халаф ат-Туйвейри. — Шундан сўнг филтирлаш жараёни бошлангунга қадар ҳароратни тахминан 15-30 дақиқага туширамыз ва бу саккиз соат давом этади». Юзага мой чиқиши биланоқ, сузиб олиш жараёни бошланади.

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи